



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1999 йил 10 февраль, чоршанба

№ 12 (11.095)

Эркин нархда сотилади

Ислом КАРИМОВ:

Шуни яна бир бор куч — миллий ғоя, миллий таъкидлашни истардимки, жамиятни доимий ҳаракатга келтириб турадиган

тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб-авайлаш, йўғини шакллантириш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало ўсиб келаётган ёш авлод-имизни ана шу билим ва кўникмалар билан тарбиялаш — маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз бўлиши лозим.

«БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ» КИТОБИ НАШРДАН ЧИҚДИ



ташкilotлари томонидан таълим тизимининг Ўзбекистон миллий модели илмий-назарий ва амалий жиҳатдан юксак баҳоланди, унга бўлган қизиқиш кундан-кунга ошиб бормоқда.

Миллий дастур, унинг пировард максадлари ва вазифалари нима лардан иборат, нима учун Ўзбекистон Президенти ўтиш даврига хос қийинчиликларга қарамасдан бутун диққат-эътиборни ёш авлод таълим-тарбиясига қаратмоқда? Бу саволларга «Барқамол авлод орзуси» китобидан аниқ ва лўнда жавоб топишингиз мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохотлар, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг тарихий аҳамияти, маънун-моҳияти ҳақида хикоя қилувчи «Барқамол авлод орзуси» китоби нашрдан чиқди.

Президент Ислом Каримов томонидан яратилган таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш миллий модели, шунингдек Юртбошимизнинг Олий Мажлис IX сессиясидаги «Барқамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» маърузаси ҳамда «Тафаккур» журнали Бош муҳаррири саволларига жавоблари ушбу китобнинг юзага келишига асос бўлди.

Китобдан Президент Ислом Каримовнинг ёш авлод тарбияси ва таълимига оид ўн йилдан ортиқ давр мобайнида билдирилган фикр ва мулоҳазаларнинг мантаний ривожини хронологик тарзда ўрин олган. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг аҳамияти ва моҳияти кенг оммага тушунарли тарзда тадқиқ этилган. Маълумки, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» маънавий-маърифий ҳаётда жуда катта тарихий воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбарини кашф этган узлуқсиз таълим-тарбия тизимининг миллий модели ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари ва нуфузли халқаро

Шунингдек, Президент Ислом Каримовнинг чуқур фикр-мулоҳазалари билан бирга дунёвий тараққиётга улкан ҳисса қўшган буюк алломаларнинг таълим-тарбия, комил инсонни вояга етказиш ҳақидаги фикр-уйларини ҳам ушбу китобдан ўрин олган. «Барқамол авлод орзуси» китоби ҳеч шубҳасиз, янги авлод тарбияси, таълимдаги ислохотлар билан машғул бўлган ўқитувчилар, мураббийлар ва барча педагоглар учун дастур-риҳомат бўлади, ёшларда дала миллий гуруҳ ва билимга чанқоқликни шакллантириб қолмай, жамиятда уларга нисбатан меёр ва эътиборни кучайтиради, маърифат-парвар инсонларнинг фаолияти учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Китоб «Шарк» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган.

(У.А.)



Ёш авлоднинг миллий ўзлгимизга хослик, йиллар синовидан ўтган аъналарининг руҳида тарбиялашда аллома устозлар, бағри кенг муаллимларнинг ўрни ўзгача. Янгийул шаҳар ижодиёт маркази раҳбари, меҳрибон мураббий Хуррият Нурматова ана шундайлардан бири. У ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида ёш авлод қалбига она-Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириб келмоқда, ўғил-қизларининг дилида гунча очётган қобилиятларини ижодий шакллантиришда фаоллик кўрсатмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

«БУНЁДИМ»ГА ПРЕЗИДЕНТ СОВГАЛАРИ

ЎТган яшанба кuni Зангиота туманидаги Ойбек номи 14-мактаб жамоаси катта қувончи воқеанинг гувоҳи бўлди. Ўқув даргоҳининг бундан икки йил аввал ташкил этилган «Бунёдими» бадий ҳаваскорлик дастасига Президентимиз совгалари топширилди.

Дастурдан Ватанини, истиқлол ва бахтли болаликни, буюк келажакни улуглашга бағишланган қўшиқлар, шеърлар ўрин олган «Бунёдими» туманда, вилоятда ўтказилган кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаши билан эътибор топиб келмоқда.

Ўқувчиларда миллий мусиқамизга меҳр, қўшиқчилик санъатига муҳаббат, она-Ватанимизга садоқат туйғуларини уйғотишда бадий даста раҳбари Ниғора Жўраева ўз қалб кўрнини бағишлаб келётгани алоҳида диққатга лойиқдир.

Даста ижро этган «Божожим», «Ўзбекистон-гулзор», «Чамандаги гуллармиз» қўшиқларини, шунингдек, юртимиз кўрки, қудратини, мустақилликни мадҳ этувчи шеърларни томошабинлар ҳамиша самимий олқишламоқдалар.

43 нафардан иборат ўқувчи ҳаваскорлар ва тумандаги 281-бонча ҳажжиларидан иборат бир даста қатнашчиларининг санъатини «ойнаи жаҳон»да кўриб мамнун бўлган Президентимиз уларни эсдалик совгалари билан мукофотлади. Мактабда «Бунёдими» ана шу совгаларни топшириш муносабати билан тантана бўлиб ўтди.

Эндиликда Юртбошимизнинг ўзи имзо чеккан катта портрети ва чинни ваза бадий даста шугулланадиган хонага кўрк бағишлаб турипти.

Шу кuni бадий дастага шеър ва қўшиқлар ёзиб бераётган шоир ва бастакорларга ҳам эсдалик совгалари топширилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

«БОЛАЛАР САНЪАТИ — 2000» ТАНЛОВИ АҚШДА ЎТАДИ

айни кунларда жойларда ушбу танловнинг вилоят босқичига тайёргарлик қизгин бормоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА барқамол авлоднинг вояга етказиши, уларнинг маданий, маърифий билимларини чуқурлаштириш, ёшларни Ватанга садоқат, маданий аъналарга муҳаббат руҳида тарбиялаш, айниқса, болалар санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон шаҳрида ўтказилган «Болалар санъати-2000» деб номланган халқаро фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам ана шу ишларнинг узвий давомидир. Бу халқаро фестивалга Тошкент вилоятида ҳам қизгин тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Вилоят ҳокимининг ушбу танловга тайёргарлик қилиш ташаббуси ҳақида маълум қилган қарориди мазкур фестивалнинг аҳамияти унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни тўғрисида алоҳида тўхта

миятга эга эканлигини кўрсатиб турипти.

Шуниси эътиборга лойиқки, вилоятимизнинг қатор корхона ва ташкилотлари «Болалар санъати-2000» халқаро фестивалида иштирок этадиган вилоятимиз ёшларига хомийлик қилиш ташаббуси билан чиқдилар. Уларнинг орасида «Узмилийбанк», «Саноат-қурилиш банк»ларнинг вилоят бўлимлари, вилоят нефть маҳсулотлари корпорацияси, «Мевасабазавотузмасаноат-холдинг» компанияси вилоят бўлими, «Дори-дармон концерни» сингари 14та ташкилот бор.

Шу йилнинг 20 февралда бўлиб ўтадиган танловнинг вилоят босқичи қўлибларига махсус дипломлар ва эсдалик совгалари топширилди. Гран при соҳиби эса республикада ўтадиган халқаро фестивалнинг миллий босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бундан ташқари,

танлов хомийлари томонидан ўқувчи ёшларга ижодий фантазия учун, профессионал тайёргарлиги учун, Ватанинг тарихи, маданияти ва эртанги кунини акс эттирган асар учун, табиат дунёсининг энг яхши тасвири учун, халқ санъати ва аъналарига мурожаат учун сингари қатор совринлар ҳам белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, вилоятимизда яна бир катта тadbир — болалар санъати танловига айни кунларда қизгин тайёргарлик қилинмоқда. Уни ўтказувчи ташкилий қўмита тарқиб ва низоми ҳам тасдиқланди. Биз эса саккиз ёшдан ўн олти ёшгача бўлган барча ўқувчи ёшларимизни тасвирий санъат, миллий-амалий санъати жанрлари бўйича ўтказиладиган мазкур танловда иштирок этишга таклиф этамиз.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ҚИБРАЙ ТАЖРИБАСИ — ҲАММАГА!

КЕЙИНГИ йиллар ичида Қибрай тумани маҳаллаларида иш юритиш тартиби бўйича анчагина янгиликлар жорий қилинди.

Хусусан, фармон ва қарорлар билан ишлаш, уларнинг назоратини ташкил этишда халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишлари, доимий комиссиялар мажлисларига оид баённомаларни, бошқарув фаолиятидаги турли ҳужжатларни тайёрлашда ихчамликка, вақтдан оқилона фойдаланишга эришилди. Ана шуларни ҳисобга олиб, вилоят ҳокимлиги

қибрайликлар тажрибасини оммалаштирди. Туман фаолиятидаги янгича усуллар тўпلام тарзида чоп этилиб, барча шаҳар ва туман ҳокимликларига тарқатилди. Айни пайтда ҳокимликларда ўзига хос бу қўлланма кўпайтирилиб, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳалла оқсоқолларига амалий ишларда фойдаланиш учун юборилди.

Саид ВАЛИЕВ.

ЗАМОНАВИЙЛАРИ ҲАММАГА

ОЛИМҚЕНТ пахта тозалаш заводи саноатимиз шу тармоғининг энг кекса корхоналаридан биридир. Унинг ишга тушганига деярли бир аср бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда завод техника жиҳатидан янгиликларга

қурилманинг ишини бажартайёрланган, ишлаб чиқариш унуми жиҳатидан фойдаланишда бўлган асбоб-ускуналардан анча устун турадиган техника воситалари ўрнатилмоқда.

Яқинда заводда қиғитни саралаш қурилмаси фойдаланишга топширилди. Бундай машинанинг иккитаси олдинги тўртта

қурилманинг ишини бажартайёрланган, ишлаб чиқариш унуми жиҳатидан фойдаланишда бўлган асбоб-ускуналардан анча устун турадиган техника воситалари ўрнатилмоқда.

Яқинда заводда қиғитни саралаш қурилмаси фойдаланишга топширилди. Бундай машинанинг иккитаси олдинги тўртта

Собир ҲАМИДОВ.

АТРОФЛИЧА ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

ҚУЙЧИРЧИҚДА «Ватан тараққиёти» партияси туман кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди.

Унда партия фаолларининг ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қўшаётган ҳиссалари, тadbиркорлиги ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлари, ҳар томонлама барқамол авлоднинг вояга етказиш йўлидаги интилишлари, шунингдек, Президентимизнинг «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига берган жавоблари

юзасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида ба-тафсил гаплашиб олинди. Конференцияда партия туман кенгаши биринчи котибига А. Аширбоев, иккинчи котибига А. Хайдаровлар сайланди.

Кенгашда «Ватан тараққиёти» партияси шунингдек, Президентимизнинг «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига берган жавоблари

Ҳасан САИДОВ.

ҚАНЧА ШАРАФЛИҚАК, ШУНЧА ОЗ

ВИЛОЯТ марказий шифохонаси маъмурияти беморлар соғлигини тиклаш, уларнинг дардига маълум бўлиш билан биргаликда Аёллар йилга бағишланган қатор эътиборга лойиқ тadbирлар ўтказмоқда.

Яқинда шифохонада бўлиб ўтган «Сен муҳаддассан, аёл» деб номланган адабий-музика кеча ана шуларнинг бири бўлди. Республика «Ўзбекинаво» гастрол-концерт бирлиши маъмуриятининг етакчи санъаткорлари иштирокида бўлиб ўтган бу тadbир касалхонада даволанаётган беморлар, хусусан, аёлларни шарафлашга бағиш-

ланди. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Ориф-жонов, ёш хонанда Зафар Давлатёровнинг аёлларни мадҳ этувчи қўшиқлари, шунингдек, сўз устаси Мамасоли Абдуқодировнинг мақсадида зарур эътиб чораларни қозирдиқ қўриб бориш лозим. Бир сўз билан айтганда, бугунги ишни эртага қолдирмай, бор имкониятлардан ўз вақтида ва тўла фойдаланиш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

Моҳира ҒИЁСОВА.

Шу куннинг МАВЗУСИ

Мавзуси

куч эканлиги ҳаммага маълум. Шундай экан, чингит ақш, қатор ораларини қўштиш, ғўзаларни дориллаш, баргини тўқиш, ҳосилни эртароқ йиғиб-тартиб олиш учун керак бўладиган барча техника воситаларининг бузилиши, унумли ишлатилишини таъминлаш мақсадида зарур эътиб чораларни қозирдиқ қўриб бориш лозим. Бир сўз билан айтганда, бугунги ишни эртага қолдирмай, бор имкониятлардан ўз вақтида ва тўла фойдаланиш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

Абдусамид АЙЎЛШЕВ. «Тошкент» ҳақиқати-нинг махсуус муҳбири.

ЎЗБЕКISTON Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тadbирларини ўз вақтида ўтказиш чора-tadbирлари» тўғрисидаги қарори Чиноз туманида қандай бажарилмоқда?

ЧИЛЛА чиқди. Қишнинг санокли кунлари қолди. Хут эшик ҳожа бошлади. Бундай пайтда асл деҳқон уйда ўтиролмайди. Далага югуради, ерин, тупроқни кузатади. Устахонада бўлади, техникадан хабар олади. Чала қолган ариқ-зовурларни тозалайди. Кетмонига лой ёпишмаса, дала бошларини тартибга келтиради.

БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚЎЙМАГАН МАЪҚУЛ

2 февраль ҳолатига бўлган маълумотларга қараганда, энг муҳим кузги-қишки агротехника тadbирлар вақтида адо этилган кўринади. Жумладан, туман пахтакорлари режани вилоятда биринчи бўлиб бажарганлари боис кузги шугдорини барвақт тугаллаш имконига эга бўлинди. Бирок, кўлимиздаги маълумотдан кўриниб турибдики, ушбу имкониятдан оқилона фойдаланилмаган. Чунончи, 9564 гектар ер кузги шугдор қилинган бўлса, шундан фақат 1844 гектар хайдаш олдидан ўйитилган. Аммо, рақамларга қараганда ўғит ҳам алтичиб солилмаган чоғи. Мана қаранг, 1844 гектар ерга 294 тонна ўғит берилган яъни гектарига 160 килограммдан ҳам тўғри келмайди. Умуман, ҳукумат қарорининг

маҳаллий ҳамда маъданли ўғитларини вақтида қўллаб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмаларни яхши бажарилмапти. Тўғри, маъданли ўғитлар хусусида эътироз билдириш ўринсиз бўлар. Чунки, ҳали вақт бор, маъдан бўлса, қерағина ташиб келтирилар. Аммо, маҳаллий ўғитларни тайёрлаш ва дала бошларига чиқариб қўйиш учун нима ҳалал беряпти?

Туманда экин майдонларининг талабига қараб, жами 42 минг тонна маҳаллий ўғит жамғариш режалаштирилган ҳолда ҳозир 12 минг 219 тонна тайёрланган, халос. Маълумотда кўрсатилганича, кунинга 110 тонна атрофида маҳаллий ўғит тайёрланаётганини ҳисобга оладиган бўлса, режани бажариш учун ана ярим йилча вақт керак бўлади. Ерга ёзда солинган гўнган нима фойда?


Вазирлар Маҳкамасининг қарориди ариқ-зовурларни кечи билан 15 февралгача тозалаб қўйиш қатъий белгилаб қўйилган.

Мақола аввалида таъкидланганидек, кузги-қишки агротехника тadbирларининг асосий турлари вақтида ва сифатли бажариб қўйилди ва бажарилмоқда. Жумладан, туман хўжалиқларида кузги ғалла қулай муддатларда экиб олинди. Вақтида ўғитланиб, сугорилди. Жами 6578 гектар майдондаги ғалларнинг 897 гектардигиси 3-4та, 1522 гектардигиси 5-6та барг чиқарган. 3938 гектардигиси эса туп ёнган.

Хўжалиқларда техникани сошлаш ишлари ҳал қилувчи паллага кирди. Чунончи, маълум 417та трактордан 309таси, жумладан, 104та чопиқ тракторидан 98таси, 96та культиватордан 93таси, 91та севкадан 89таси тadbирдан чиқарилди. Бирок, бу хотиржамликка асос бўлолмайди. Негаки, пахтачиликда техника ҳал қилувчи

«КОМСАР» КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

ЭСКИ ТОШКЕНТ қишлоғидаги бу бино бир вақтлар Янгийул шербор қорхонасига қарашли эди. Кейинги йилларда у анча пугурдан кетди. Бир гуруҳ тадбиркорлар унинг базасида фирма таъсис этишга киришдилар. Шу тариқа эски бино таъмирланиб, 1990 йилда «Комсар» хусусий фирмаси барпо этилди. Уша вақтда етмиш бош қорамолдан иборат бўдоқчилик фермаси унинг асосий даромад манбаи бўлди.



— Ҳозирги вақтда, — деди фирма бошқаруви раиси Мирҳолик ака Мирҳамедов, — қорамоллар сони юз бошга етди. Биз асосий эътиборни зотли насл олишга қаратганмиз. Энг муҳими «Комсар» ишга тушган, «Арчазор» маҳалласи ёшларидан ишлаб йиғит-қизлар иш билан таъминланди. Маҳалла унинг хисобидан газлаштирилди. Ишчи-хизматчиларга тушлик бепул берилляпти. Улар бир ой илгари янги курилган шинамига ўз ошоналарига ҳам эга бўлидилар. 1998 йилнинг апрель ойида «Комсар» очик турдаги хиссадорлик жамиятига айлантирилди. Бу унинг фаолият доирасини кенгайтирди. Жумладан, ичимликлар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. — Ичимликлар тайёрлаш цехи учун бино бор эди, — деб хикоя қилади бош мухандис Махмуджон Хамроқуллов. — Цех ахшиллаб таъмирланди. Узбекистонда таъмирланди. Узбекистонда таъмирланди. Узбекистонда таъмирланди. Узбекистонда таъмирланди.

О. МАЪМУРОВ, А. РАҲИМОВ.
СУРАТЛАРДА: қорхонанинг бош мухандиси Махмуджон Хамроқуллов қонундор ишнинг қўздавида кечирмоқда; Зайтуна Бақиева шу ерда лаборант бўлиб ишляпти. Абдуҷалоил РАҲИМОВ олган суратлар.

Дилафруз Мирбойбаева, Рустам Хамроқуллов, Хусниддин Мирбойбаев, Жибек Холмухамедовларнинг чақон ва аник ҳаракатлари, маҳоратли меҳнатлари гувоҳи бўлди. Кулаж бўлимида Улғубек Тешабоев барча диққат-эътиборини маҳсулот сифатининг аъло даражада бўлишига қаратмоқда.

Моҳир тадбиркор Мирҳолик ака бу йил ҳам ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш юзасидан режалар тузган. Жумладан, ичимликлар цехи кувайтиришга асосланди. Чорва озуқаси етиштиришни кўпайтириш тадбирлари ҳам қўрилади. Булар қорхона жамоасининг истеъмол бозорини тўлдиретишига қўшаётган хиссаи янада салмоқли бўлишига олиб келади.

Моҳир тадбиркор Мирҳолик ака бу йил ҳам ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш юзасидан режалар тузган. Жумладан, ичимликлар цехи кувайтиришга асосланди. Чорва озуқаси етиштиришни кўпайтириш тадбирлари ҳам қўрилади. Булар қорхона жамоасининг истеъмол бозорини тўлдиретишига қўшаётган хиссаи янада салмоқли бўлишига олиб келади.

БАЛИҚЧИЛИК ИМКОНияТЛАР ВА МУАММОЛАР

ЗАНГИОТ туманидаги «Дамачи» очик турдаги хиссадорлик жамияти вилоятимиз ҳовуз балиқчилигининг етакчи ҳўжалиги ҳисобланади. Унга Жаҳонгир Солихович Ҳошимов раҳбарлик қилмоқда. У бу соҳада 28 йилдан бери ишлаб келади. Шу давр мобайнида республикаимизнинг деярли барча балиқчилик ҳўжалиқларида меҳнат қилди. Унинг бу тармоқ хўсусиятлари, имкониётлари ва муаммолари тўғрисида фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир.

— Республикаимизда, шу жумладан вилоятимизда ҳовуз балиқчилиги бир-мунча ривожланган. «Дамачи» шундай ҳўжалиқлардан бири ҳисобланади. Умуман ҳозирги вақтда бу соҳада қандай аҳвол таркиб топти? Шу ҳақда қисқача тўхталангиз. — Мамлакатимизда умумий майдони 565,5 миң гектар бўлган саксондан ортиқ сув ҳавзалари ва кўллар бор. Шунинг 464 миң гектари балиқ етиштириш учун фойдаланилади. Товар балиғи етиштириш учун сўний ҳовузлар ҳам барпо этилган. Улар 10 миң гектардан ортиқроқ майдонни эгаллаб турибди. Илий маълумотлар бўйича Урта Осиё республикалари шароитида ҳар гектар майдондан 25 центнердан балиқ маҳсулотлари етиштириш мўмкин ҳисобланади.

тузи энг маъқул усул деб ҳисоблаймиз. Бу масалага соғлиқни сақлаш, халқ таълими органларининг, «Соғлом авлод учун» жамоатчилик ҳамғармасининг ва бошқа шу каби ташкилотларнинг эътиборини жалб қилишни истар эдик. Ҳозирги вақтда савдо ташкилотлари ва умумий оватланиш қорхоналари ҳам балиқ маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беришни жуда суи ташкил этганлар. Ваҳоланки, ундан ошоналарда турли-туман таомлар тайёрлаш мўмкин. Бундан ташқари, фирма дўконлари очуш лозим. Балиқ озуқаси тайёрланадиган ҳўжори, арпа, беда ва бошқа шу каби қишлоқ ҳўжалиги экинлари майдонини кенгайтиришни ҳам ўйлаб қўриш вақти келди. Бундай мустаҳкам негиз яратилмас экан юксалишга эришиб бўлмайдди. Шу сабабли иложи борича ҳар бир балиқчилик ҳўжалигида аралаш озуқалар тайёрловчи кичик заводлар барпо этиш зарур.

Ислохот одимлари

устига республикаимизда у талабга нисбатан жуда кам етиштирилади. Ваҳоланки, бу кимматли озик-овқат маҳсулоти гўштига нисбатан анча арзон туради. Шундай экан, вилоятимизда ҳам балиқчиликни ривожлантириш учун барча имкониётлардан фойдаланиш зарур. Уни фақат балиқчилик зиммасига юклаб қўйиш кутилган натижани бермайди, албатта. Бу ишга кўпчилини жалб қилиш лозим. — Сиэнингча, ҳовуз балиқчилигини ривожлантириш учун қандай масалаларга эътиборни қўйиштириш, муаммоларни қал қилиш, қайси омилини ишга солиш лозим? — Ҳар йили ҳовузларни лойқадан тозалаш турилади. Унинг қалинлиги 5-10 сантимергача боради ва ҳовуз ҳажмини анча камайтиради. Бундан ташқари, вақти-вақти билан дезинфекция қилиб туриш лозим. Шу муносабат билан бир масала устида тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳозирги вақтда балиқ етиштириши мўмкин. Россиянинг шимолий худудларида Украинада эса бу ўсиш тегишлича 70-80 грамм ва 300 граммни ташкил этади. — «Дамачи» республикаимиздаги энг кекса балиқ ҳўжалиқлари қаторида туради. Унинг ривожланиши қандай бўлган? — Ҳўжалигимизни барпо этиш ишлари 1939 йилда бошланган эди. Ватан руши оқибатида бу иш тўхтатиб қўйилди. 1946 йилда эса у эътиборини берди. Ушанда ҳар гектар ҳовуз майдонидан 1200 килограмдан балиқ олиниди. Ҳозир эса бу кўрсаткич 2000-2500 килограм ташкил этмоқда. Олинган йилларда ҳақулот 4 тоннага етказиб маҳсулот олинган эди. Ҳозир ҳўжали-

ЛИЦЕЙЛАРИМИЗ ЗАМОНАВИЙ БЎЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА таълим-тарбия ишнини ташкил этиш тубдан ўзгараётган, унинг якуний натижасини эътиборга олиш зарур. Ахшкорлик билан таълим берилган бир пайтда академик лицей ва касб-хўнар коллежларида бўлган талаб янада ортмоқда. Янги турдаги бундай ўқув муассасаларининг очилиши таълим олдига ниҳоятда катта ва масъулиятли вазифалар қўймоқда.

Архитектурага дахлдор лойиҳа институтлари саъй-ҳаракати билан лицей ва коллежларнинг мамлакатимиз иқлим шароитига мос моделлари янги андозалари вуқудга келди. Утган йилдаёқ Узбекистонда 21та академик лицей ва 14та касб-хўнар коллежлари таъмирланди. Бу йил сонини 117тага етказиш кўзда тутилмоқда. Уларнинг ҳар бири буғунги давр талабларига мувофиқ бунёд этилади. Ана шу ишлар учун 34 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Миллий дастур

Соғлом турмуш тарзини амалга ошириш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт ишларида ҳам алоҳида аҳамият берилди. Бунинг учун ўқув мажмуусига туташган ҳолда кичик спорт заллари қўрилади.

Лицейлар учун беш гектарлик ер майдони ажратилганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу эса қўшимча равишда стадион ҳамда баскетбол, волейбол, теннис имконини беради. Ўқувчилар истикомат қиладиган 200 ўринли умумий ётоқхона биноси учун ҳам шу ердан жой ажратилди. Малакалик меъмор ва муҳандислар қўлидан чиққан бу лойиҳа мукамал бўлиб, XXI асрнинг билимдон ёшларини ўқитиш ҳамда уларни иқтидорини ўстиришига хизмат қилади. Ташқи қўрилиш шарқона безаклардан ташкил топадиган бу турдаги ўқув муассасалари замонавий меъморчиликнинг янги ютуқларидан бири бўлиб кўзга аёқол ташланиб туради.

«МЕН ЎЗБЕК ТИЛИДА СЎЗЛАШАМАН»

ЮҚОРИЧИРЧИК тумани таълим-тарбия тизиминда давлат таълими ўргатиш ишнини тасомиллаштириш мақсадида русийчадан мактаб ўқувчилари ўртасида «Мен ўзбек тилида сўзлашаман» кўрик-танловини ўтказиш янги ашана бўлиб қолди. Уни ёшларнинг «Камолот» жамғармаси ва туман халқ таълими бўғамлари биргаликда уюштирмоқдалар. Уларда кўрик-танлов иштирокчилари нутқ материалларини тинглаб тушуниш, равион ўқиш, бехато ёзиш, сўз ясаиши, имло ва услубийта онд савол-жавоблар, қўшнқлар, рақсалар, шеър ва парчалар ўқиш ҳамда саҳна кўрсатишлари ёрдамида миллий руҳини кўрсатувчи топширқларни бажаришмоқда. Бу тадбир 4, 6, 7- ва 34-урта мактабларда кўриқ савнада ўтказилди. Кўрик-танловлар голлиларига ҳўмиялар томонидан таъсис этилган эъдалик совғалари топширилмоқда.

ЎРМОНЛАР — ВАТАН БОЙЛИГИ

ОЛИЙ Мажлис ўн учинчи сессиясида қўриб чиқилиб, биринчи ўқишда маъқулланган ва умумхалқ мўҳокамасига тақдим этилган «Ўрмон тўғрисида»ги **Узбекистон Республикаси Қонуни** лойиҳаси ўрмон ҳўжалиқлари ходимлари, табиат мўҳофазаси билан шуғуланувчи мўҳокасслар, олимпиларда катта қизиқиш уйғотди. **Улар асосан қонун мукамал тайёрланганлигини таъкидлаш билан бирга, унга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Узбекистон Ўрмон ҳўжалиги илмий-таълим институти директори, қишлоқ ҳўжалиқ фанлари доктори Абдуқалил Қайниқов билан сўхбатимиз ана шу ҳақда бўлди:**

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

бузувчи (ўзбошимчалик билан ўрмон кесиш, пайхон қилиш, яйлов сифатида фойдаланиш ва бошқалар) қонун асосида жаобгарликка тортилади. Бу тадбир ўрмонларимизда ҳайвонот ва ўсимлик дунисида биологик хилма-хилликни вуқудга келтириб, уларнинг йўқолиб кетиши олдини олади. Ўрмон ҳўжалиги органлари инспекторлари масъулиятини оширади.

биз уни ардоқлашимиз ва кенгайтиришимиз лозим. Ўрмонзорлар узини-ўзи қучли бошқарадиган ва қўлга чидайдиган экосистемалар. Шу жиҳатдан ҳам суғни сақлашда ва унинг сифатини яхшилашда ўрмонзорларнинг аҳамияти каттадир. Ўрмонлар булоқлари мутасил оби ҳаёт билан таъминляпти, уларнинг термик ҳолатини барқарор қиладди ва шу билан инфлюэнцанидэн сақулайди. Қонун лойиҳаси барча моддалари, чуқур ўйлаб ва ўрмон сиватининг ҳамма хўсусиятлари ҳисобга олинган билан айрим жузъий ноаниқликлар ҳам бор. Жумладан: 5-модда қуйидагича берилиши керак: «Хамма ўрмонлар, бошқалар. Шунингдек, 15-моддада қўрсатилган ўрмонзорлар ҳам давлат ўрмон фондида қирмайдди. 9-моддадан, назари-мизда, Узбекистон Республикаси табиатини мўҳофазга қилиш давлат қўмитасини қиқариш керак. Чунки улар ўрмонзорларни бошқармайди, фақат давлат назоратини олиб боради. Булар 12-моддада қўрсатилган. 13-моддадаги ўрмон қўриқчисини, давлат ўрмон қўриқчиси деб номлаш керак. Шу моддадаги 7-хатбошидаги «хўкубузарлик содир этган...» сўзларини ҳар хил талқин қилишнинг олдики оlish учун «қўриқиди» қўрсатилган хўкубузарликларини содир этган...» деб ўзгартириш лозим. 26-модда биринчи хатбоши «...ўрмонларни назорат қиувчи давлат органларини хўлоса экспертзасадан кўйини, кесили қондалариға мувофиқ амалга оширилади» деб ёзилиши лозим. 27-модданинг иккинчи хатбошисини қуйидагича тўлдиретиш керак: «Алоҳида аҳамиятта эга бўлган ўрмонзорларда янги барпо қилинган ёш ўрмон дарах-торларидан мол боқушга йўл қўйилмайди». Бу тақдирлар қонунни яна ҳам мукамаллаштиришга хизмат қиладди, деб ўйлайман. **Сўхбатдош: Пулат НИШОНОВ, ЎЗА муҳбири.**

Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда Тезлик — ҳалокат сабабчиси

ҚУЙИЧИРЧИК тумани Сирғали йўналиши бўйлаб бораётган автобуснинг тезлиги катта эди. Аҳоли истикомат қилинган қичқак, у соатига 80 километрдан йўл боса бошлади. Енги машина учун бу унча катта қўрсаткич эмас, бирок автобусни нотекис йўлда бундай бошқариш анча мушкул.

толарини қўрсатишгандагина у қилган ишга иқдор бўлди. — Жиноятнинг изи совимасдан топилади, — деди туман ДАНБ бошлиғи Махмуд Урновбеков. — Милция катта лейтенанти Б. Ҳўраев, сержант М. Қашаев ҳамда Ф. Мурхоровлар фаол ҳаракат қиладилар. Жиноятчи 10 соат ичида ушланди. Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан шу йилнинг 20 январидан 20 февралгача мамлакатимизда «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» эълон қилинди. Мазкур тадбирда туман ДАНБ ходимлари сидқиқидан ўз бурчларини адо этишляпти. Утган 15 кун ичида 12 нафар маст ҳолда руль бошқарганлар, 50дан ортиқ қўпол қондаларга зарар аниқланиб, уларга тегишли чоралар қўрилди. Албатта, бу бир ёки бир неча ой давом этадиган тадбир эмас, балки долмикийдир. Шундай экан, ҳаракатланиш хавфсизлиги қондаларига ҳар биримиз, ҳар қачон риоя қилишимиз лозим. **Комилжон ЭРГАШЕВ, туман ДАНБ маъмурий-амалиёт нозирин, милиция катта лейтенанти. Дониёр КАМОЛОВ, журналист.**

